



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-537

« ___ » _____ 20__ г

Шўрчи тумани “Кушон” маҳалласи худудидан “SILK-ROAD GROUP” МЧЖга логистика маркази ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/672-сон йиғилиш баёни ва Шўрчи туман ҳокимининг 2020 йил 04 сентябрдаги 654/01-12-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/672-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шўрчи тумани “Кушон” маҳалласи худудидан “SILK-ROAD GROUP” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 149-дала контуридаги 2,30 гектар яйлов ер майдонига логистика маркази ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SILK-ROAD GROUP” МЧЖ логистика маркази ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш заводи қурилишига ажратилган 2,30 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 38 416 026 (ўттиз юз саккиз миллион тўрт юз ўн олти минг йигирма олти) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шўрчи тумани ҳокимлиги (Б.Худойбергенов) ер майдони ажратилиши

